

ИСТОРИЯ ГРАММАТИКИ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА

Г.Р. Мирхонова¹, О.М. Сафарова²

Аннотация

В статье приводятся сведения об исторической грамматике узбекского языка.

Ключевые слова: узбекский язык, фонетическая система, тюркские языки, грамматика, лексикология.

Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси ўзбек тили тарихи фанининг бир тармоғидир. Маълумки, тил тарихи ўзбек тили фонетик системасининг, грамматик қурилиши ва лексикасининг тарихидир. Ўзбек тили тарихи ўзаро боғлиқ бўлган икки мустақил предметни ўз ичига олади. Бу предметлар – ўзбек тилининг тарихий грамматикаси ва адабий тил тарихидир. Бу икки предмет ички бир-бирига боғлиқ бўлишига қарамасдан, уларнинг ўрганиш усуллари, текшириш объектлари бир-бирдан фарқ қилади. Тарихий грамматика тилнинг фонетик системаси тараққиётини, грамматик структурасининг ривожланишини ўрганади. Тил тарихини ўрганиш ҳозирги замон ўзбек тили тарихий тушуниш, яъни бу тил узоқ асрлар мобайнида давом этган мураккаб тарихий жараёнлар самараси эканини англаш имконини туғдиради. Ўзбек тили тарихда маълум бўлган бошқа тиллар каби узоқ тараққиёт босқичини бошидан кечирди. У жамият ва халқ тарихи билан узвий боғлиқ ҳолда уруғ тилидан қабила, қабила тилидан халқ ва халқ тилидан миллий тилга қараб тараққий этиб келди. Узоқ давом этган бу жараёнда ўтмиш асрлардаги тил ҳодисалари кейинги асрлардаги тил ҳодисаларидан фарқланиб қолди. Ижтимоий-тарихий тараққиётнинг талабларига жавоб беролмаган тил ҳодисалари аста-секин умумтил алоқасидан чиқиб кетди. Уларнинг ўрнини замона талаби билан пайдо бўлиб келган янги ҳодисалар ишғол этди. Шунинг натижасида юқорида айтилганидек, ҳозирги ўзбек тили ўзининг ўтмишидан узоқлашиб қолди. Бу ҳодисаларни ёзув ёдгорликларида акс этилган ҳодисалар билан чоғиштирилганда кўриш мумкин.

Тарихдан маълумки, тилнинг структура элементлари узоқ ўтмиш давр ичида бир хилда ўзгариб келмади. Ижтимоий-тарихий тараққиёт даставвал тилнинг лексикасига ўз таъсирини ўтказди ва шунга кўра тилнинг бошқа таркибий қисмларига қараганда унинг луғат таркиби жуда ўзгарувчан қисмдир. Ҳақиқатан ҳам, ижтимоий тараққиётнинг йўналиши ва хусусиятларига қараб ўзбек тилининг луғат таркиби тез-тез ўзгариб, янгиланиб турди. Унинг таркибида замона ва тараққиёт талабларига жавоб беролмайдиган сўз ва иборалар чиқиб кетди. Уларнинг ўрнини янги луғат ва иборалар эгаллади. Қатор сўзлар эса актив луғатдан пассив луғатга айланиб кетди. XIV асрга келиб эски ўзбек адабий тили шакллана бошлади. Бунинг вужудга келишига сабаб фақатгина ички факторлар: ўзбек халқи шаклланиш жараёнининг кучайиши, Фарғона ва Мовароуннаҳр туркий аҳолиси бирлигининг яратилишигина эмас, балки Кошғарда ва Орол денгизига бўлган ерни ишғол қилган Олтин Ўрда адабий тилларининг шаклланиши ҳам таъсир қилди. Бу эса, ўз навбатида, эски ўзбек адабий тилининг диалектал хусусиятларини кўпайтирар эди. Эски ўзбек тилининг шакллана бошлаш даврида қабила ва уруғ тилларининг хусусиятлари адабий асарларда яққол кўринади. Мовароуннаҳр, Фарғона ва Хоразмда қарлук, уйғур-ўғуз ва қипчоқ диалект группаларининг хусусиятлари сақланиши билан, айти замонда, улар аралашиб кетган эдилар ҳам. «Муҳаббатнома» ва «Таашшуқнома» да ўғуз диалекти ху-

¹Мирхонова Гуландом Рустамовна, преподаватель родного языка, Академический лицей Бухарского медицинского института, Узбекистан.

²Сафарова Олима Мустафоевна, преподаватель родного языка, Академический лицей Бухарского медицинского института, Узбекистан.

сусияти ўз аксини топади. Демак, мавжуд диалект хусусиятларини ўз ичига қамраб олган умумий адабий тилни шакллантириш тенденцияси кучая боради ва шу тариқа ўзбек адабий тили вужудга келди.

XV-XVI асрларда Мовароуннаҳрда Дурбек, Саккокий, Лутфий ва Навоий каби буюк шоирлар етишиб чиқдики, улар яратган ёдгорликларда диалектал фарқлар йўқола бориб, ягона ўзбек адабий тили шаклланди.

Шуниси характерлики, Навоийгача бўлган шоирларнинг асарларида эски туркий тил анъаналари давом эттирилиши билан бирга, уларда жонли тил хусусиятлари кўпроқ ўрин эгаллайди.

Туркий тиллар ва уларнинг тилини ўрганишга қизиқиш XI асрларданоқ бошланган. Маҳмуд Кошғарий ўзининг «Девону луғатит турк» асарида Ўрта Осиёдаги турли туркий уруғ-қабилалар тилини чуқур таҳлил қилади. Кейинги даврларда туркий тилларнинг луғатлари тузилади, баъзи луғатларда шу тилларнинг грамматик, фонетик, лексик таҳлили ҳам берилади. Замахшарийнинг «Муқаддиматул адаб», Абу Ҳайённинг «Китабул идрак лиллисанул атрак», Жамолиддин Абу Муҳаммаднинг «Китаб булғатул муштарақи луғатит турк вал қифчак», Толеъ Хиравийнинг «Бадоеул луғат», Мирза Маҳдийхоннинг «Санглоҳ» ва бошқа асарларда ана шундай таҳлиллар мавжуд. Буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг «Муҳокаматул луғатайн» асарида туркий тиллар грамматикасига оид қимматли фикрлар бор.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Щербак А.М. Грамматика староузбекского языка. -М. -Л.,1962.

© Г.Р. Мирхонова, О.М. Сафарова, 2019.